



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 26-APREL
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

49
(16206)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetası

KUN MAVZUSI

ДЎСТЛИГИМИЗ
АБАДИЙ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз ичига қамраб олган бешта устувор йўналишлардан бири хавфсизлик, миллатларaro тотовлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдан иборат бўлиб, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишни тақозо этади. Мана шундай ҳаракатлар натижаси ўлароқ, қўшни республикалар ва қардош халқлар ўртасидаги алоқалар янги поғонага кўтарилмоқда. Буни Туркманистон билан муносабатларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Икки миллат ўртасидаги дўстлик ва биродарликни Ашхобода Ислам Каримов ҳайкали, Тошкентда эса, Махтумқули ҳайкали ҳамда "Ашхобод" боғининг очилиши, давлатларимиз раҳбарларининг турли соҳа ва йўналишларда бошлаган хайрли ташаббуслари, қўйингки, туркманга тўрт юз йил муқаддам ўз бағридан жой берган Ули Ҳовли маскани ҳам яққол намоён этади.

Бизни туркман халқи билан боғлаб турган ришталар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бир ирмоқдан сув ичамиз, ерларимиз бир-бирига туташ. Ҳатто таомларимиз ўхшаш. Масалан, Хоразмнинг мазали чўраги туркманларда ҳам тайёрланади. Бўғирсоқ пишириш, ош дамаш одатлари ҳам бор. Туркман тўйлари-чи, ўзбекларсиз ўтмайди. Шунчалик бирдам, ҳам-жиҳатимиз!

Дунёга донғи кетган Мамвун академияси ва унда фаолият олиб борган улғу алломалар ўзбекининг ҳам, туркманнинг ҳам аждодлари эмасми? Қардош халқнинг шоиру адиблари-да биз учун ҳам сеvimли ва ардоқлидир. Уларнинг шеърлари алақачон кўшиқ қилиниб, миллионлаб юрдошларимиз қалбидан жой олган. Чунки атоқли туркман шоирлари — Махтумқули, Мулланафас, Андалиб, Зекилий барчамизга бирдек таниш. Ўзбекистонда Мулланафас таваллудининг 200 йиллиги, Махтумқули таваллудининг 290 йиллиги кенг нишонлангани, шаксиз, уларнинг бой ижодий меросига бўлган чуқур ҳурратимиз ифодасидир.

Туркманистондан ўзбекка келин бўлиб тушган ажойиб ижодкор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Гавхар Ибодуллоева шундай дейди: "Мен киндик қони туркман заминидан тўкилиб, бахтини Ўзбекистондан топган толеи порлоқ аёлман. Икки миллат ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини адолатлеша, бағрикенг президентларимиз янада муштаҳамлаётганини кўриб, кўксим тоғ қадар кўтарилди."

Махтумқули ёзганидек: *Айтинг Фирогийнинг икки эли бор, Бири Атрак бўлса, бири Хоразм. Айтинг Фирогийнинг икки кўзи бор, Бири туркман бўлса, бири ўзбагим.*

Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек театр санъатининг бир гуруҳ вакиллари яқинда Туркманистонда бўлиди. Маҳаллий халқ уларни ёруғ юз, бир олам қувонч билан қарши олди. Меҳмонлар қаерга бормасин, "Яшасин ўзбек-туркман дўстлиги!" хитоби баралла янграб турди.

Махтумқулига халқимизнинг ҳурмати қанчалик баланд бўлса, Навоий бобомизга туркман эли шунчалик эҳтиром қурсатади. Бундай муносабат ёш авлодга ҳам сингаётганидан беҳад қувонсан, киши. Биз буни 2017 йилнинг ноябрь ойида Туркманистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари давомида чуқур ҳис этдик.

Туркман шоири Қора Сайитгаев шундай сатрлар битган:

Туркманининг уйида мажлис очилса, Навоийдан бошланар бахшилар сози. Ўзбекининг уйида маъни сочилса, Фирогийдан булар донолар сўзи.

Яна бир қизиқарли кузатув: тақдирни қарангки, бир вақтлар Ҳазрат Навоий вазир сифатида Марв, Ниса (Ашхобод) яқинидаги шаҳарларни обод қилишга интиланган эди. Энди эса, туркман халқи Навоий қадами теккан жойларни зиёратгоҳларга айлантирган.

Узоққа бориб ўтирмайлик, машҳур туркман адиби Хидир Дарёев ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирийни ўзига устоз деб билган. Гафур Ҳуснов билан Берди Кербобоев, Зулфия билан Товшон Эсенова дўст, ҳамфикр бўлгани ҳам бор гап. Демак, адабий ўйларимиз, маънавий дунёсиз жуда яқин.

Тарихдан маълумки, Хасрада Тажан дарёси устида қурилган Пули хотин кўприги орқали аждодларимиз қандайдиларини савдо-сотик баҳонасида бир-бирлари билан борди-келиди қилган. Кейинчалик Ҳазрат Навоий ҳам шу кўприкдан Сарагта ўтган. Буни қарангки, мазкур иншоот Андижон, Марғилон, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига отланган Махтумқулининг оёқларига ҳам пойандоз бўлган эди.

Аслида икки халқни боғловчи бундай кўприги йўллар жуда кўп. Ўзбек ва туркманнинг муштарак нияти шуки, бу йўллар қалб ва дас-турхонимиздек доимо очик турсин! Икки халқ, икки давлатнинг дўстлиги абадий бўлсин!

Сардор БЕКТЕМИР,
ЎЗМУ талабаси

ҲАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҚАШҚАДАРАЁ: ёшлар масаласига янгича нигоҳ

Абдураҳмон ЖўРАЕВ,
Шавкат КАРОМОВ,
Ақбаржон АБДУРАИМОВ

АСОСИЙ МУАММО —
ИШСИЗЛИК

Қашқадарёда давом этаётган "Ёшлар ҳафталиги" доирасида ишчи гуруҳи аъзолари вилоят марказида ёшлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Қарши шаҳрида 152 минг нафардан зиёд йигит-қиз истикомат қилади. Уларни иш билан таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозиргача 600 нафардан зиёд ёш тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Шунга қарамай, 2 минг 400 нафарга яқин тенгдошимиз ишсиз. 800 нафардан зиёди эса, хорижга меҳнат қилиш учун кетган.

"Маҳаллот" маҳалласида уюшмаган ёшларнинг рўйхати шакллантирилиб, доимий алоқа йўлга қўйилган эса-да, улар ҳали ишга жойлашмаган. Профилактика кунларида жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган ёшлар билан тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борила-маяпти. Шу каби камчиликларни бартараф этиш, ёшлар билан ишлашда самарали механизмни йўлга қўйиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Навбатдаги манзил Қарши тумани бўлди. Эътироф этиш керак, туманда ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш фаолияти яхши йўлга қўйилган. Ҳокимлик томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан кўпгина ишлар қилинган.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, таълим муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамкорлигида олиб борилаётган профиларктик тадбирлар натижасида эрта нигоҳ ва ажримларнинг олди олинмоқда. Жорий йилда 13 та ёш оила имтиёзи кредит асосида уй-жой билан таъминланди.

Бироқ ёшлар масаласига бефарқ қараётган масъуллар ҳам йўқ эмас. Хусусан, "Таликурон" маҳалласида уюшмаган ёшларга деярли эътибор қаратилмайди. Фаоллар томонидан бундай тоифа вакилларининг ижтимоий аҳволини уйма-уй юриб ўрганиш ишлари жуда сўст олиб борилаётган.



48 ЁШ ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШЛАЙДИ

Ҳафталик доирасида Шаҳрисабз туманида ёш тадбиркорлар билан учрашув ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими, Ўзбекистон

ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази мутахассислари, тижорат банклари вакиллари иштирок этиди. Тадбирга Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб туманларидан шахсий бизнесини бошламоқчи бўлган 200 нафар тенгдошимиз жалб қилинди. Иштирокчилар та-

биркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит олишда қийналаётганини айтиб, амалий ёрдам сўради. 48 нафар касб-хунар коллежи битирувчисининг мурожаати учрашув жойида қондирилди.

(Давоми 3-саҳифада)

BELLASHUV
БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН БОЛАЛАР



Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтди



Навоийлик ўқувчилар ўртасидаги баҳслар ҳам қизгин кечди. Туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган жомоалар тўрт шарт асосида билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Иштирокчилар "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятига доир саволларга жавоб бериш билан бирга, ижтимоий лойиҳаларини ҳам намойиш этди.

Натижада Зарафшон шаҳрининг "Билимдон жинлар" жомоаси биринчи ўринни эгаллади. Голиб ва совриндорларга китоблар жамланмалари тақдим этилди.

Пайариқ туманида жамланган самарқандлик билимдонлар саволларга бурро-бурро берган жавобларини бир-бирдан қизиқарли, мулоҳазага қаровчи саҳна кўринишлари орқали танловга жиддий тайёргарлик кўрганини исботлади. Аяниқса, Оқдарё, Каттақўрғон, Пайариқ туманлари ёшларининг зукколиги ҳавасни келтирди. Уруглик "Порлоқ юлдузчалар" жомоаси аъзолари эса, асосан кичик ёшдаги болалардан ташкил топгани билан эътиборга тушди. Яқуний хулоса бўйича Таилоқ туманининг "Шихоат" жомоаси мутлақ голиб деб топилди ва беллашувнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бухоро вилояти Ёшлар марказида ўтказилган танловда 1-7 - синф ўқувчиларидан иборат 13 жомоа қатнашди. Иштирокчилар танишув, савол-жавоб, саҳна кўриниши ва ижтимоий лойиҳа шартларида баҳс олиб борди. Жомоалар тайёрлаган тақдимотлар барчани ҳайратга қолдирди. Биринчи ўрин Шофирқон туманининг "Парвоздаги кабуларлар" жомоасига насиб этди. Энди улар танловнинг Нукус шаҳрида ўтказиладиган финал беллашувидан вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА,
Дилқушо НАВРЎЗОВА,
Зулфизар МАВЛОНОВА

ЖАҲОНГА
ЮЗ ТУТАЁТГАН
ИСТАКЛАР

...Болалардан хорижда таълим олишни, кўплаб тилларни ўрганишни орзу қилардим. Бир неча марта уриниб ҳам кўрдим, бакалавр ва магистрлик таълими даврида хорижда ўқиш насиб қилмади. Лекин умидни сўндирмасдан инти-лавердим, ниҳоят 27 ёшда докторантура бўйича грант ютдим. 2014 йили Туркиянинг давлат гранти асосида Анкарадаги Гази университетининг Ижтимоий фанлар институтининг Коммуникация факультетига ўқишга тақлиф қилинди.

Уша йили октябр ойида Анадоулу дёрига яқка ўзим, ҳеч кимни танимасдан, тилини билмасдан, таваккал йўл олдим.

Ўқишда дунёнинг қайси давлатидан келганингизга қарамай, туркча ўрганишингиз, (агар туркчани билсангиз, имтиҳон топширишингиз) керак эди. Таълим тизимидаги яна бир ютуқ, ўқувчилар ҳали мактабни битирмай туриб, имтиҳон топширади. Умумий балларига қўра, ўқувчи қайси йўналишда ва қайси университетда ўқишга даъвогарлик қилиши мумкинлиги ҳақида тавсия берилди. Шу йўл билан чекка бир қишлоқда ўқийдиган ўқувчи яхши балл йиғиб, ҳали ўзи кўрмаган катта бир шаҳарнинг нуфузли университети талабасига айланishi мумкин. Айтиб ўтиш жоиз, таниш-билиш, "х-вариант" деган тушунчалар иш бермайди. Йиғилган баллга қараб, Таълим вазирлиги ўқувчини йўналтиради, ана ундан кейин тақдирнинг янги саҳифалари очилади. Албатта, ёшлар кўпроқ балл йиғиб, Анкара, Истанбул, Измир каби катта, таълим тизими кучли шаҳарларда ўқишга интиладилар.

Университетдаги дарслар интернет орқали танланади, талаба университет томонидан белгиланган маълум бир кунда мажбурий ва танлов асосида фанларни танлай-

ди. Ҳар семестрда талаба керакли баллни йиға олиши керак, йўқса, баъзи дарсларни келаси йили яна ўқиши ёки ўрнига бошқа бир фанни ўқиш битириши зарур. Қисқача айтганда, талаба 4 йил давомида керакли баллни йиққунинга қадар ўқиш давом эттаверди. Қиммат 5 йилда, яна қиммат 6-7 йилда ҳам битириши мумкин.

Яна бир жиҳат, ўқитувчи ва талаба орасида ҳеч қандай тамага йўл қўйилмайди. Совга-салом деган тушунчалар кор қилмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ, дарг турагач, ўқитувчини топишингиз ўзи амримаҳол, топсангиз ҳам сизга вақт ажратилиши қийин. Хуллас, талабанинг ўқишдан бошқа иложи йўқ. Туркияда баъзи университетларнинг тулиқ инглиз тилида олиб бориладиган бўлимидаги мавжуд. Охириги йилларда турк тилида таълим бериладиган бўлимлар дарс дастурларининг 30 фоизи инглиз тилида олиб борилаётган. Масалан, машинасозлик бўлимидаги дарсларнинг бир қисми тулиқ инглиз тилида бўлади. Шу йўл билан етишиб чиққан мутахассис хорижда ҳам фаолият юрита олиш имкониятига эга бўлади.

Туркияга кетар чоғимда келажакда Ўзбекистонни турк халқига янада кўпроқ таништиришга аҳд қилган эдим. Ўтган давр ичида ана шу аҳдимага содиқ қолиб, кўп жойларда Ватанимиз ҳақида маърузалар қилдим, ОАВда чиқишлар билан иштирок этдим. Икки давлат орасидаги муносабатларнинг фаола-лаштириш, ҳамкорликнинг ривожланиши бир пайтлар кўнгилга туккан орзуларимнинг ижоботидадек туюлди.

Шоҳруҳбек ОЛИМ,
Туркиянинг Гази университети Ижтимоий фанлар институтининг Коммуникация факультети докторанти.
ЎЗА

ЎФРИГИНА БОЛА
ЭНДИ БОҒБОН



Нокас уғил қўшнисининг мулкига куз тика бошлади. Қўшни ҳовлида катта боғ бор. Ҳамма ёғи узумзор. Хонадон соҳиблари ана шу "ҳазина"дан мўмай даромад кўришни Улуғбек яхши биларди. Бола гўр эмасми, шайтон измига бўйсуниб, қинғир йўлга қадам қўяди.

2

АСКАРЛАР
Абайни биларкан



Аскарлар Абай Қўнонбоев асарлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этиб, уларни ёзган шеърлардан ўқиди. Ижодий жўшқинлик учрашувга ўзгача шукўҳ бағишлади.

3

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

ЎФРИГИНА БОЛА ЭНДИ БОФБОН

Ёшлар иттифоқининг Хатирчи тумани кенгаши охириги бир неча ой ичида беш нафар тенглошимизни қамалишдан асраб қолади.



Ташкилот кафиликка олган ёшлардан бири Улуғбек Эшбутаевдир. Бу йилги 28 баҳорини қаршилади. Аммо ҳамон ишисиз. Оила ҳам қурмаган. Тўрт мучаси соғ, эс-хуши жойида бўлса-да,

эл-юртта фойдам тегсин деб бирон марта ҳам жонини койитмаган. Аксинча, енгилнинг устидан, оғирнинг остидан юришга одатланди. Бундай феъл, охир-оқибат, қўлини эгри қилиб қўйди.

Улуғбек жиноятчига айланган. Ҳалолдан қўямасин, дейди халқимиз. Чиндан ҳам пешона тери билан топилаётган лўқмагина инсонга юқди, барака келтиради. Акс ҳолда, бошга битган бало бўлиши тайин. Улуғбек Эшбутаев яқинларининг ниқташига қарамай, бирон жойда ишлаб, кўкаргиси келмасди. Аксинча, енгил пул топишга интиларди. Ҳар ким ниятига ярашасини олар экан-да.

Нокас ўғил қўшинининг мулкига кўз тика бошлади. Қўшни ҳовлида катта боғ бор. Ҳамма ёғи узумзор. Хонадон соҳиблари ана шу "ҳазина"дан мўмай даромад қўришини Улуғбек яхши биларди. Бола ёр эмасми, шайтон измига бўйсуниб, қинғир йўлга қадам қўйди. Қўшининг уйига ўғирликка тушишни режа қилди. Ҳаммасини хаёлида пиштириб олди-ю, қўлай фурсат пойлай бошлади.

Ният, қўшнилари Навоий шаҳрига меҳмонга борадиган бўлиб қолди. Бундан фойдаланган Улуғбек Эшбутаев унинг орқа дарвозасини синдириб кириб, не-не машаққат билан етиштириб, қўриқдан икки қоп майизни ўғирлаб чиқарди.

Қабиҳ нияти амалга ошганидан мас-

рур бўлган жиноятчи қопларни дарҳол бозорга олиб бориб, пуллайди. Лекин бу маблағ йилнинг ўрталарида отган нафсини қондиришга камлик қилди. Қилиши жазосиз қолганиданми, Улуғбек иккинчи бор жиноятга қўл уради. Фақат энди қўшни уйдан нақ уч қоп майизни олиб чиқишга умид қилган бўлса?! Аттанг...

Хуллас калом, ўғирлик орқасидан тенглошимиз беш миллион сўмини чўнтакка ўрди. Аммо қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқарди-ку. Наҳотки тенглошимиз жиноят жазосиз қолиб кетишига умид қилган бўлса?! Аттанг...

Суд қарори билан Улуғбек Эшбутаевга тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Қилган ишдан чин дилдан пушаймон экани боис, Ёшлар иттифоқи уни ўз кафилигига олди ва суд залидан озод қилинишига эришди.

Яқинда Иттифоқ кўмаги билан Улуғбекка "Одил Турдиев" фермер ҳўжалигидан ер олиб берилди. Энди унинг ўзи боғ яратишга астойдил бел боғлаган. Тўғри йўлга қайтган тенглошимизнинг муроиди ҳосил бўлишига тилакдошимиз.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ТУРК МАТБУОТИ ЭЪТИБОРИНИ СУСАЙТИРМАГАН

Бугунги кунда Туркия жамоатчилиги юртимизнинг тараққиёт одимларини диққат билан кузатиб борган ҳолда, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳоламоқда. Буни маҳаллий матбуот нашрларида эълон қилинаётган материалларнинг мазмунидан ҳам аниқлаш мумкин.

Хусусан, мамлакатдаги нуфузли нашрлардан бири — "Derin Ekonomi" тўб ислохотчилик салоҳияти ва пухта уйланган қарорлари орқали ўз давлати ҳамда минтақадаги вазиятга ижобий таъсир қўришаётган ва шу аснода халқаро ҳамжамият орасида ҳурматга сазовор бўлган жаҳон лидерларининг рўйхатини тўзиб, эълон қилди. Унга қўра, Президентимиз Шавкат Мирзиёев замонвий дунёни ўзгартиришга қодир шахсларнинг кучли ўнатилишига киритилган.

Жорий йилнинг февраль ойида эса, яна бир иқтисодий нашр — "Yatirim ve Finans" бутун бошли сонини 2017 йил 22 декабрда Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномасига бағишлади. Унда Мурожаатноманинг тўлиқ матни изох ва шарҳлари, шунингдек, Туркиянинг иқтисодий-с-

ёсий, ишбилармон доиралар ҳамда эксперт-таҳлилчиларнинг муносабатлари билан бирга турк тилида чоп этилди.

"Bloomberg Businessweek"нинг яқинда нашрдан чиққан навбатдаги таъсир қўришаётган ва шу аснода халқаро ҳамжамият орасида ҳурматга сазовор бўлган жаҳон лидерларининг рўйхатини тўзиб, эълон қилди. Унга қўра, Президентимиз Шавкат Мирзиёев замонвий дунёни ўзгартиришга қодир шахсларнинг кучли ўнатилишига киритилган.

АНГУЛЕМЛИКЛАР ЎЗБЕКISTONГА КЕЛИШ ИШТИЁКИДА

Франциянинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Ангулем шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот ўтказилди. Айтиш керак, мақсуд ҳудуд аҳолиси Марказий Осиё минтақасига қизиқиши нисбатан кучлилиги билан ажралиб туради.

Маҳаллий туроператорлар ҳамда маданият бирлашмалари вакиллари иштирок этган тадбирда йилгиланларга бой тарих ва маданиятимиз, миллий қадриятлар, урф-одат ва аъёналар, юртимизда қад ростилаган неча юз йиллик мейморий обидалар, айниқса, сайёҳлар энг кўп ташриф буорадиган Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги зиёрат объектлари хусусида маълумот берилди.

— Ўзбекистон — жаннатмандона дийр, — дея ўз таассуротлари билан бўлишди Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Франсуа Готье. — У менда фақат илаҳ ва гўзал хотиралар қолдирган. Умид қиламанки, бугунги тақдирот орқа-

ли ватандошларим Ўзбекистон ва унинг халқи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Бу эса, шубҳасизки, уларда бу ажойиб ўлкага саёбат қилиш истакини уйғотади.

"Sheherazada Voyages" сайёҳлик агентлиги директори Алан Мигус эса, ўз интервьюсида ўн беш йилдан буюн Ўзбекистонга мунтазам келиб-кетишини айтди. "У она Ватанимдек бўлиб қолган, — таъкиллади мутахассис. — Мен юртодошларимга ҳаммиса Ўзбекистонга саёбат қилишни тавсия қиламан. Бу кўнра заминда сақланиб қолган осор-атиқаларнинг баҳоси йўқ. Улар сизни ўзига ром этиб, бутун инсоният тарихини кўз ўнгингизда намоён этади.

"BRUSSELS EXPRESS" МАҚОЛАНИ ХИВАГА БАФИШЛАДИ

Бельгиянинг "Brussels Express" нашри электрон саҳифасида "Марказий Осиё кашфиёти: Хива — шаҳар-музей" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Унда кўнра кентнинг тарихи ва ундаги мейморий ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар билан бирга "очиқ осмон остидаги музей-шаҳар" манзаралари акс этган ранг-баранг суратлар ҳам ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

"Кўп асрлар давомида Хива номини эшитганда одамлар ипак ва турли зинаворлар орттилган туялар карвонини, гавжум бозорлар, эътибор тортар мадрасалар, ҳўқмдор хоналарни кўз олдига келтирган. Ўн тўққизинчи асрнинг жасур кашфиётчилари мўъжизавий саҳро — Хоразм воҳаси ҳақидаги ҳикоялари билан европалликларни қизиқтириб қўйган. Бугунги

кунда Хивани кўриш учун дунёнинг ҳар томонидан сайёҳлар оқиб келмоқда. Хива — кишини ҳайратга соладиган масжид ва мадрасаларга бой бўлган ислом мейморчилигининг ёрқин намунаси. Унинг тарихий маркази бўлган Ичан қалъа ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган", — деб ёзади "Brussels Express".

Айтиш керак, ушбу мақола сайт фойдаланувчиларида катти қизиқиш уйғотди. Зотан, атиги тўрт кун ичида 1 минг 300 нафар киши у билан танишган. Бу ажабланирли эмас, чўнки мақсуд мақола саёбат мавсуми бошла-накчи арасида ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этилган эди.

"Жаҳон" материаллари асосида тайёрланди.

DAVRA SUHBATI

Файрат САТТОВОВ

МУАММОЛАР ҲАМ АЙТИЛДИ

Самарқанд вилояти божхона бошқармасида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига доир давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши бўлими мудири Донийр Жамолов, Иттифоқнинг божхона бошқармасидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Ноаир Мансуров ҳамда ёш мутахассислар қатнашди.

оромгоҳи"да Қўролми Кучлар тизимидаги етакчилар кенгаши раислари ва бошланғич ташкилот етакчилари учун ташкил этилган республика ўқув-семинаридан фотолар ҳақида намойиш этилди. Иттифоқнинг мақсад-вазифалари батафсил тушунтирилди. Мулоқот пайтида мавжуд муаммолар ҳам ўртага ташланди, уларни бартараф этиш юзасидан тақдирлар айтилди.

Табдир сўнигида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ёш божхоначиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда амалий семинарлар ўтказишга келиши олинди.

Иштирокчиларга Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қўролми Кучларида ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги "Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида

тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорларидан келиб чиқиб, божхоначиларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Табдир давомида жорий йилнинг 7-10 апрель кунлари Бўстонлик туманидаги "Ёшлар

Дилрабо НУРИДИНОВА

TASHABBUS ZAVQLI ҲАМ



Карманда туманидаги "Ёшлик" уйингоҳида футбол бўйича "Иттифоқ кубоги" мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёшлар ташкилотининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган беллашув қизгин кечди. Унга юз на-

фардан зиёд вақтинча ишсиз ёшлар жалб этилди. Яқунда рақибларига қараганда шиддатли уйин кўрсатган "Жалойир" маҳалласи ёшлари ғолиб бўлди. Кейинги совриндор ўринларни "Уйрот" ва "Азамат" маҳаллалари вакиллари эгаллади.

— Бугунги турнир йигитларни бир-бири билан дўстлаштирди, — дейди Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши бош мутахассиси Жамшид Мусаев. — Улар қизгин баҳслардан катта завқ олиб, уйига кўтаринки кайфиятда қайтди. Демак, биз мақсадга маълум ҳамнода эриша оламиз.

АФФОНИСТОН ЁШЛАРИ ТЕРМИЗДА ҲУНАР ЎРГАНМОҚДА

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА Мухбири

Сурхондарё вилояти Термиз туманида барпо этилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фўқароларини ўқитиш таълим марказида йўлга қўйилган қўлолчилик тўғараги талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда афғон ёшлари дарсдан бўш вақтида соҳа сирларини кўнрт билан ўрганаётди. Уларга олий маълумотли ёш мутахассис Икром Абдураунов қўлолчилик сир-синаотидан сабоқ бераётди.



— Турли буюмлар ясашга шогирдларнинг қўли келишиб қолди, — дейди И.Абдураунов. — Лойдан кўза, қўш, туя каби ранг-баранг буюмлар яратишни ўргатмоқдаман. Уларда қизиқиш, интилиш кучли экани таҳсинга лойиқ. Энди кўза гулдонлар, ташқарини безатишга мўъжизаланган ландшафтлар тайёрлашни ҳам бошлаяпмиз. Тўғарақда афғон ёшлари тайёрлаган қўлолчилик буюмларини кўздан кечирамиз. Олис-олисларга парвозга

шайланаётган қўшлар, устида эркин қанот қоқишга ҳозирланмоқда. Туя эса юк билан узоқ манзил тарадудини кўраётди. Энди уни етаклайдиган сарбонни тайёрлаш керак. Уқини тугатгач, кишлоғимиздаги мактабда тўғарақ очиб, болаларга шу ҳунарни ўргатмоқчиман. Шу боис бу ишни пухта ўзлаштиришга интилаяпман. Биз, афғон ёшлари ҳам дунёдаги бошқа тенглошларимиз сингари кўп ҳунарни ўрганиб, яхши ҳаёт кечирини истаймиз.

Бу қўш самога кўтариллиб, эркин қанот қоқишга ҳозирланмоқда. Туя эса юк билан узоқ манзил тарадудини кўраётди. Энди уни етаклайдиган сарбонни тайёрлаш керак. Уқини тугатгач, кишлоғимиздаги мактабда тўғарақ очиб, болаларга шу ҳунарни ўргатмоқчиман. Шу боис бу ишни пухта ўзлаштиришга интилаяпман. Биз, афғон ёшлари ҳам дунёдаги бошқа тенглошларимиз сингари кўп ҳунарни ўрганиб, яхши ҳаёт кечирини истаймиз.



Бунинг учун мақсуд таълим муассасасида барча замонвий шароитлар яратилган. — Халқимизда бир йилгига қирқ ҳунар ҳам оз, деган нақд бор, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фўқароларини ўқитиш таълим маркази раҳбари О.Рўзиев. — Қўшни давлатдан келиб таълим олаётган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларга қўшимча ҳунарлар ўргатиш учун турли тўғарақлар ташкил этилган. Масалан, фан, лотин алифбосига асосланган ҳуснихат, компьютер саводхонлиги каби тўғарақлар фаолият юритмоқда. Қўлолчиликни йўлга қўйдиқ. Тўғарақ раҳбарлигига малакали мутахассисларни танлаб олаёти-ми. Аини пайтда афғонистонлик талабалар ўзлари тайёрлаган буюмлар билан вилоятда ташкил этилаётган фестивал ва танлов-шоу иштирок этмоқда. Марказида афғон ёшларининг қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тикувчилик-би-чўвчилик, зардўзлик ва бошқа қатор тўғарақлар ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

ҚАШҚАДАРЁ:

ёшлар масаласига янгича нигоҳ



(Бошланиши 1-саҳифада)

САРА ИХТИРОЛАРГА ПАТЕНТ НАҚД

Ўзбекистон ёш олимлар кенгаши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида инновацион лойиҳалар ва ишланмалар курғазмасини ташкил этди. Унда талабаларнинг интеллектуал салоҳияти тўлиқ намоён бўлди.

— Утган йили талабаларнинг унта ихтироси патент-

ланганининг ўзи катта гап, — дейди Ёш олимлар кенгаши раиси Камолдин Мирзаҳмедов. — Бу савиянинг юксаклигидан дарак беради. Аммо эришилган натижа билан қифояланмаслик керак. Курғазмада тақдим этилган аксарият қурилмаларни ҳаётга татбиқ этса арзийди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида ўтказилган давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой бўлди. Талаба ва мута-

хассислар мамлакатимизда IT-соҳасини ривожлантириш юзасидан фикр алмашди. Ёш олимлар кенгаши вакиллари Яққабоб, Чироқчи туманларидаги ихтирочи ўқувчилар билан ҳам мулоқот олиб борди. Ёшларга таълимнинг мақсад-вазифалари ҳақида маълумот берилди. Уларнинг техник ишланмалари, инновацион лойиҳаларини такомиллаштириш борасида керакли тавсиялар берилди. Кенгаш раиси К.Мирзаҳмедов энг

сара ихтироларга патент олиш учун кўмаклашишга ваъда берди.

НАТИЖА ЧАККИ ЭМАС

Нишон туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирга ҳудуддаги касб-хунар коллежлари битирувчилари, мuddагаи ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар жалб этилди. Уларга 82 та корхона ва ташкилот 264 та бўш иш ўрини таклиф этди. Ярмарка давомида 24 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 75 нафар фуқарога ишга жойлаштириш, хорижда меҳнат қилиш тартиби ҳақида керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. — Анчадан бери иш қидириб юрганам, — дейди Дилфуза Худойбердиева. — Охири ёшлар ташкилотига мурожаат қилганимда меҳнат ярмаркасига таклиф этди. Энди “Санам” хусусий корхонасида меҳнат фаолиятини олиб бораман.

Насиба АБДУЛЛАЕВА

ЧИНОРГА АЙЛАНАЁТГАН НИҲОЛ

Олмаота. Бастакор Аҳмад Жўбанов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган халқаро танловда ўзбек қизи кўнгилларни сел қилиб соз чалмоқда. Ижро тугагач, зал уни гулдурос қарсақлар билан олқишлади. Ҳакамлар ҳайъати Р.Гизир номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқий академик лицейининг 8-синф ўқувчиси Дилноза Асадовани 1-ўринга лойиқ топди.



Ижродан ҳайратланган Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

Улуғбек Имомов ўшанда ёш истеъдод соҳибининг устози — Дилором Ботирова

вага қарата: “Созанда эмас, гавҳар олиб келибсиз, лекин виолончели чатоқроқ. Шундай соз билан ҳам ижрони қойилмади-я. Дилнозанинг ютуққа эришиши, аввало, сизнинг, қолаверса, ўзининг-да заҳматли меҳнати ҳосиласи”, — дея алоҳида ташаккур билдиргани.

Санаъатта меҳр Дилнозага қон билан сингган. Отаси ва амakilари ҳам ижодкор. Уч ярим ёшида уйдагилари қизалоққа миттигина пианино олиб беради. Дилором Ботировадан сабоқ ола бошлагач эса, қаҳрамонимиз виолончель чалишни ўрганган. Мухтор Ашрафийнинг “Сўзсиз қўшиғи”, “Чаман ялла” халқ куйи, қолаверса, чет эл бастакорларининг

мураккаб асарларини мароқ билан ижро этарди. Тўққиз ёшида Дилноза Асадова Санкт-Петербургда ўтказилган ёш ижрочиларнинг “Кумуш камертон” халқаро танловда биринчи ўринни эгалаб қайтди. Бу илк ютуғи эди.

Дилноза кўшиқчилик борасида ҳам тинмай изланади. Ҳозирда у ўзини классик, халқ, эстрада йўналишларида синаб кўрмоқда. “Наманганнинг олмаси”, “Ушшоқ”, “Дурдона” каби кўшиқларни маҳорат билан куйлай олади.

— Етук шоғирда тарбиялаш игна билан қазушдек гап, — дейди Дилором Ботирова. — Албатта, шоғирда ҳам бунга тайёр туриши даркор. Дилнозани олти ёшида синфимга қабул қилганман. Меҳнатсеварлиги сабаб тендошларидан анча ўзиб кетди. Ундаги масъулият, топшириқларни ўз вақтида бажаришини кўриб қувонаман. Санъат боғига қадаган ана шундай ниҳолларимиз, насиб этса, эртага чинор бўлади.

Ҳа, олинда ҳали қанча пиллапоплар турибди. Дилноза айни кунларда пойтахтимизда бўлиб ўтаётган академик чоғулар, эстрада ва анъанавий ижрочилик бўйича “Истеъдод” II халқаро танловда иштирок этмоқда. Мазкур ижодия беллашувда ҳам ёш созандага муваффақият ёр бўлишига тилакдошимиз.

MUNOSABAT

ЭҲТИРОМ КЎРСАТСАК АРЗИЙДИ

Дилноза ҚУРБОНОВА

Бугун жаҳон эшиклари биз учун очик. Буюк тарихимизни унутмаган ҳолда тараққиёт сари илдам қадам ташлаяпмиз. Олиб борилаётган ислоҳот ва янгиланишларнинг туб моҳиятида бой маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш, дунёга танитиш ҳамда авлодларга безавол етказиш мақсади ётибди.

Сўнгги йилларда кўшни давлатлар билан муносабатларимиз анча жонлангани кишига ўзгача шукӯҳ бағишлаб, қалбларни шодликка тўлдирмоқда. Ахир, қардош миллатлар билан неча асрлардан буюн ёнма-ён яшаб, тилимизу динимиз бир бўлиб келган. Бундай ҳолат адабий маконда ҳам намоёндыр.

Президентимизнинг 2018 йил 13 мартда қабул қилинган “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарорини мени ҳам ижодкор, ҳам фуқаро сифатида

беҳад қувонтирди. Сабаби мазкур ҳужжат халқларимизни янада яқинлаштириб, узабо дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Шубҳа йўқки, Абай ижоди ва унда илгари сурилган инсонпарварлик гоялари ўзбек элининг ҳар бир фарзанди учун маънавий-руҳий қувват манбаи бўла олади. Бойси Абай Қўнонбоев асарлари ўз даврида ҳам, бугун ҳам элу элатлар, хусусан, ёш авлод вакилларининг адабий-эстетик динини тарбиялашда давом этаётди.

Президент қароридан кўзга тутилганидек, юртимизда мутафаккир

шоирни танитиш, эзгулик ва адолат тараннуми учун қурашган маърифатпарвар шахс сифатидаги маъқеани юксалтириш юзасидан бир қатор ишларга қўл урилди. Аввало, Абай ижодий меросини илмий тадқиқ этишга эътибор қаратилмоқда.

Абай (асл исми Иброҳим) Қўнонбоев қозоқ классик адабиётининг асосчиларидан биридир. У мадрасада савод чиқарди. Кейинчалик рус мактабида таҳсил олди. Абай, бир томондан, Шарқ адабиётининг ёрқин намояндалари — Навоий, Фирдавсий, Низомий, иккинчи томондан, Александр Пушкин, Лев Толстой, Салтыков-Щедрин каби рус адабиётининг забардаст вакиллари ижоди билан қизиқди. Ёшида шеърлар ёзишни машқ қилиб, ўланлар айтарди. Кўпгина ўланлари халқ орасида машҳур.

Абайнинг икки юздан ортиқ шеъри, “Искандар”, “Масъуд”, “Азим ривояти”, “Валми” достонлари ва қирқ тўртта катта-кичик лавҳадан иборат “Нақлия

сўзлар” фалсафий ҳикояси бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Бу асарларда қозоқ халқини жаҳоннинг тараққий этган миллатлари даражасига олиб чиқиш орзуси ифодаланган. Одамлар табиатидаги бунга монелик қилувчи қусурлар танқид қилинган. Инсонни коммуликка ундовчи эзгу фазилатлар улуғланган. Маданият ва маърифат васф этилган.

Абай Қўнонбоев биринчи қозоқ композитори ҳамдир. У ўз шеърларига халқ куйларини мослаб, ажойиб қўшиқлар яратган. Пушкиннинг “Евгений Онегин” достонидан парчаларни қозоқ тилига таржима қилгани ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Абайнинг шеърлари ўзбек тилига ўғрилиб, турли йилларда китоб ҳолида чоп этилган.

Абай Қўнонбоев ижоди билан танишар экансиз, унинг ўзбек халқига алоҳида меҳр қўйганини илғайсиз. Шундай экан, бу бебаҳо ижодкорга ҳар қанча эҳтиром кўрсатсак арзийди.

JODIY MULOQOT

Равшана ҚҮРЯЗОВА

АСКАРЛАР Абайни биларкан



Баҳмал туманидаги ҳарбий қисмда қозоқ шоири Абай Қўнонбоев ижодий меросига бағишланган маърифий таабир бўлиб ўтди.



педагогика институти доценти, адабиётшунос олим Ўсмонжон Қосимов, шоир Равшанбек Абдувалиев, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши бўлими мудири Раҳмонжон Очилов юқоридаги қарорнинг долзарблиги ва унда белгиланган вазифалар хусусида тўхтади. Адабиётнинг инсон маънавий оламини бойитишдаги

аҳамияти хусусида сўз юритилди. Шундан сўнг аскарлар Абай Қўнонбоев асарлари юзасидан фикр-муҳоذاзаларини баён этиб, ўзлари ёзган шеърлардан ўқиди. Ижодий жўшқинлик учрашувга ўзгача шукӯҳ бағишлади. Яқунда ҳарбий хизматчилар учун китоб ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

INSON — AZIZ, XOTIRA — MUQADDAS

Соҳида САПАЕВА

ЮЗДАН ОШИБ НУР ЁФИЛСА ЮЗИДАН...

Кексаларни эъзозлаш, марҳумларни яхши хотиралар билан ёд этиш — халқимизнинг боқий қадриятлари сирасига кирди. Кўпни кўрган нурунийлар суҳбатини олиб, ҳаётга теран назар билан қарашни ўрганасан, тинчликнинг қадри янада яққол намоён бўла бошлайди.

Юртимизда уруш фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бойси бу инсонлар энди биз учун омонат. Уларни рози қилишга интиломимиз даркор. Шу кунларда Ёшлар иттифоқининг Кармана тумани кенгаши фаоллари хайрли ишлар билан банд. Йигит-қизлар бўш вақтида қарияларни йўқлаб, кўнглини шод этмоқда. Яқинда бир гуруҳ кўнгилчилар “Дўрмон” маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,



104 ёшли Пирназар Турдиев хонадонига таширф буюрди. Бобо билан дилдан суҳбат қуриб, ватандошларимизнинг жангҳоҳларда кўрсатган қаҳрамонликларини ҳаққондан гурунгида баҳраманд бўлди. Отаҳон урушда бошдан

кечирганларини сўзлаб берар экан, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Кейин Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга доир қарорини ўқиб, беҳад севинганини айтди. Дарҳақиқат, мазкур

ҳужжат осейшталгимиз учун жонини фидо этган инсонларга кўрсатилган эҳтирмининг ёрқин намунасидир. Илло, уларнинг метин иродасию жасорати бўлмаганида, дориламон кунларга етиб келмасдик асло!

TANLOV

Илгор ХАЛИЛОВ

БИЛИМИ БИЛАН ЕНГДИ

Ранг-тасвир мўъжизаси инсонга эстетик завқ бағишлайди. Оддий қоғозга турли бўёқлар ёрдамида чизилган суратлар сиз билан пинҳона тиллашар экан, муайян маънони ифодалагча, қандайдир эзгу гояни сингдиришга ҳаракат қилади.

Ана шундай завқли ҳолатни “Солиқ билимлари — боқаларга” республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи доирасида ташкил этилган курғазма давомида кузатдик. Экспозициядан “Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири” номинацияси бўйича беллашган бошланғич синф ўқувчиларининг ўнлаб асарлари ўрин олди.

Оқори синф ўқувчилари эса, танлов доирасида ҳикоянавислик бобида маҳоратини намоён этди.

Ижодий ишларнинг бир-биридан таъсирчан қилиб ёзилгани ва ҳаётини мисолларга бойлиги ҳавасингизни келтиради. Демак, ёшлар мавзунини қўқур ўрганган. Баъзи ҳикоялар кўз олдинда тарихни гавдалантириб, бошқаларни жиддий ўйга толдиради ёки табассум ҳая этиши мумкин. Очиги, бундай ранг-баранглик ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Ахир, бирини иккинчидан афзал дейишга тил



бормайди-да.

Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар — қолиб ва совриндорларнинг номлари эълон қилинадиган фурсат етди. Хулосаловчи натижага кўра, “Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири” номинациясида Боевўт тумани 13-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси Одижон Ҳамидов, “Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши” номинациясида эса, Мирзаобод тумани 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Севинч Ҳазраткулова биринчи ўринни эгаллади. Уларга вилоят солиқ бошқармасининг диплом

ва қимматбахо совғалари, шунингдек, халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари топширилди. Шу билан бирга, танловнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими доирасидаги босқичга ҳам яқун ясалиб, солиқлар нега тўланиши ва нималарга сарфланишига доир тақдироти учун Гулистон қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Нилуфар Шамсиддинова, “Ўзбекистон Республикасида солиқ сиесати” мавзусидаги энг сара иншо учун Янгиер тиббиёт коллежи ўқувчиси Дилдора Жумабоева тақдирланди.



1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Ёшим ўн тўққизда. Ижодий ишларим марказий нашрларда эълон қилинади. Ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш ижодкорлар кенгашига аъзо бўлмоқчиман. Тартибини тушунтириб берсангиз.



Отабек ИСРОИЛОВ
Ўрта Чирчиқ тумани

Саволга Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз АББОСОВА жавоб беради:

— Республика ёш ижодкорлар кенгаши 2017 йил 1 ноябрда ташкил этилган бўлиб, асосий мақсадимиз наср, назм, драматургия, публицистика, бадий таржима, рассомлик йўналишларида ижод қилаётган йигит-қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ижодкор тенгдошларимиз қаерда истиқомат қилишдан қатъи назар, www.yoshiodkor.uz сайти орқали кенгашга тўғридан-тўғри аъзо бўлиши мумкин. Маъмур веб-ресурс орқали фаолиятимизга доир янгиликлардан ҳам хабардор бўлиб борасиз.

BILASIZMI?



26 апрелда эл ардоғидоги таниқли санъаткор Ботир Зокиров тавалуд топан. У биринчи ўзбек эстрада ансамблининг асосчиси. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. 2000 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан ҳам тақдирланди.

Ботир Зокиров нафақат хонанда, балки истеъодли рассом, ёзувчи ва таржимон ҳам эди. Антуан де Сент-Экзюпери, Теннис Уильям ва Артур Лоуренсинг асарларини ўзбек тилига ўтирган.

YOSHLIK ILHOMI

Онаизор

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Сардор ҳайдовчилик қилади. Уйга одатда ярим тунда қайтади. Қайтишда хотинига, албатта, ширинликми ёки бошқа бирон нима олиб келади. Хотини уни ҳар гал қувониб қарши олар экан, эркаланиб сўрайди:

— "Пост"дан эсон-омон ўтиб олдингизми?

— Ҳа, бир амалмадик, — пичинг қилиб қўяди Сардор.

Улар айтаётган "пост" ҳовлининг туридаги кичик хужра. Унда Сардорнинг онаси туради. Онаизор ўғли келмагунча мижжа қокмайди. Бу эса, йигит қурмағурнинг гагини келтиради — ухлай-верса-чи! Хотини ҳам шу фикрда. "Олиб келганларингизни эртага ҳам берсақ бўлади-ку! Сабр қилмайдилар-а!" — дейди зарда қилиб. Эр-хотиннинг наздида кампир ўша егуликлардан умидвор.

Она доим хавотирда. Бир вақтлар турмуш ўртоғи ҳам ҳайдовчилик қиларди. Афсуски, қутимлаганда автоҳалокат сабаб вафот этди. Аёл боши билан ёлғиз фарзандини не-не азоблар билан катта қилди. Қийинчилиги ситамларга дош бериб яшайди. Нуридайдасини бировдан кам қилмасликка ҳаракат қилди, кунни тунга, тунни кунга улаб ишлади. Лекин олийгоҳда ўқитишга имкони бўлмагани боис, ўғлининг ота касбини таллади. Шу кундан буён Аллоҳга илтижо қилиб, йўлга чиққан фарзандини ўз панохида асрагани сўрайди. Онаизор ўғлининг бўйини кўрса бас, унга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Топганини дастурхонга тортадиган, ризқини кўпчилик билан баҳам кўришга одатланган халқимиз. Шу боис тўю тантаналарни хуш кўраемиз. Тўйларга етказсин, деб ният билдираемиз.



Содиқжон Жўраев,
Когон шаҳри прокурори ўринбосари

Тўй бу — қадрият. У илдири узоқ ўтмишга бориб тақаладиган, ҳар бири бир олам маънони ифода этувчи турли урф-одатлар мажмуидан иборат. Минг афсуски, замона зайлими ёки одамларнинг тўқилмакка шўхлиги сабабини, бугунги кунда ана шу боқий қадриятимиз завол топмоқда.

Кейинги пайтларда кимўзарга тўй қилиш орқали сохта обрў орттиришга интилувчи одамлар орамизда кўпайди. Дабдабаю бўлмағур маросимларини ҳам шулар ўйлаб топапти. Қасри эса, бутун жамиятга ўрмоқда. Оқибат, қанчадан-қанча оилаларнинг ҳаловати йўқолиб, гарданидаги қарздан қутулмай, боши балога қолаётганини айтмайсизми. Шу боис ҳукуматимиз томонидан тўй-маъракалар ва оилавий маросимларни ихчамлаштириш юзасидан илчи чора-тадбирлар кўришмоқда, тарғибот ишлари кучайтирилган.

Шунга қарамай, дабдабали тўйлар билан боғлиқ нохушлиқлар ҳали ҳам давом этмоқда. Сабоқ бўлиши учун ҳаётда рўй берган бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Бухоро вилоятининг Когон тумани, Ҳўжа-яқшоб қишлоғида яшовчи Асқаржон ака дурадоғорлик қилиб, рўзғор тебратарди. Танишларининг қистови билан кўпроқ даромадга эга бўлиш истагида Россияга бориб ишлади. Меҳнатсеварлиги сабаб пул топишда қийналмади. Аммо пешона тери билан топган маблағини сарфлашда бироз хатоликка йўл қўйди.

Олис юртдан қайтган, Асқаржон ака ўғли Ихтиёрни ўйлантириш тарадуидига тушди. Орзу-ҳавас зур келиб, қудаларга никоҳ оқшони Когон шаҳридаги энг ҳашаматли ресторанга ўтказилишини айтди.

Ихтиёржон кенжа фарзанд. Шу боис ота унинг барча истакларини муҳайё этишга тайёр эди.

Бир кунлик базм учун сўнгги русумлаги автомобиллар "қарвонини", фалон сўмлик келин қўйлаги буюртма қилинди... Тўй куни эса, дастурхонга тортилган ноз-неъматларнинг серблиги меҳмонлар кўзини қамаштириб юборгудек эди.

Никоҳга келган қариндош-уруғ ва ошна-оғайнлар Асқаржон аканинг зиёфатидан масрур бўлиб ўтирарди. Бироқ бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Вақт тун ярмидан ўтди ҳамки, биров даврани тарк этай демасди...

Кўвнинг жўраларидан бири — Бекзод айш-ишрат қиёмига етган бир паллада бирдан автомобилдан хабар олиш мақсадида ташқарига чиқди. Ҳовлида таниши Дилмурод Собиров ва бир қанча нотаниш кишилар бир-бирлари билан жанжаллашяётганини кўради. Уларнинг орасида жияни Диёр Мавлонов ҳам бўлган. Дилмурод Собиров уни ёқасидан ушлаб дўппослашга тушади. Шу заҳоти Бекзод югуриб келиб, иккисини ажратишга ҳаракат қилади. Мастлигидан нима қилаётганини билмаётган Дилмурод Бекзога ташланиб, уни беаёв дўппослай бошлайди. Йигит боши билан бетон ариққа йиқилиб, оғир тан жароҳати билан касалхонага келтирилади. Муштумзур эса, ўртоқлари билан воқеа жойидан гоийб бўлади. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида Бекзоднинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Мана кўрдангизми, оқибатини ўйламай қийналган иш тўғриси ҳам бир зумда мотамга айлантириб юбориши ҳеч гап эмас. Дабдабаю исрофгарчилик илаётларидан қутулмас эканми, топганимизни ҳавога совуриб, бошга минг қулфат орттириб яшашда давом этамиз. Эсимизни йўғиб олайлик, азиз юртдошлар. Ҳою ҳавас кетидан қувмай, фарзанд тарбиясига жидайроқ эътибор қаратсак, бирова озор бермаслик, тежамкорлик ва нафсини жиловлашни ўргатсак, ҳаётимиз нурга тўлади.

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

"ҚАЙДАСАН, ЖАВОҲИР?!"

БОБОРАВШАН

Катта бекатдан то юз қадам наридаги бозор-гача ул-бул нарса сотадиган кишилар йўлакнинг икки томонини эгаллаб олган. Меҳмонга келаётган дўстларим билан шу ердан ўтиб бораёямиз. Шу пайт Дилмурод билагимдан тўтиб четга тортиди ва:

— Ака, уйда бор-йўқ нарса-ни айтинг, шунга қараб бозор қиламиз, — деди паст овозда.

— Уйда ҳамма нарса етарди. Телефон қилиб айтганман, тай-ёргарлик кўриган, — дедим.

— Ҳеч бўлмаса, иккита нон, қовун ё тарвуз олсак?

— Нон бўлса иккита олинг, етади.

— Ичишга "Cola", "Fanta"... — Узингиз биласиз.

Хуллас, меҳмонлар чор тарафга қараб кетди. Кимдир нон саралаган, бошқаси қовуннинг оғирини излайди. Қолганлар дўкон томон йўл олади. Меҳмонларни кузатиб туриб бўзимга алам тикилди: "Наҳотки, шаҳар бизни шунчалик майдалаштириб юборди?!"

Ахир, бу меҳмонлар минг чақирим наридаги қишлоғимга келганида манзара буткул ўзгача бўларди. Улар бирор нарса олиш ҳақида айтганидаёқ ранжирдим ва бунга йўл қўймасдим. Бу ерда эса... бозорнинг паст-баландини ўргатиб турибман. Ўз-ўзимдан уялиб... йўқ қандайдир нафратланиб кетдимми-ей! Билмайман!

Бундан уч-тўрт йил аввалги воқеа ёлғизгина тушди. Ушанда ҳамқишлоғим Камолнинг машинасида Сурхонга жўнадик. Олд ўринда мен. Орқанда яна

бир қишлоқдошимиз Баҳром ва Тошкентда ризқ териб юрган уста Шоли ака. Ярим тунда Ғаллаоролда ош едик. Ҳайдовчимиз Камол бироз мизғиб олди. Тагин йўлга тушдик. Бир пайт ҳайдовчимиз кимдир кўнги-роқ қилиб: "Жавоҳир, ҳозир қишлоғингга бораялман... Йўлга чиқиб тур, ўтиб кетмай", — деди. Сўнг бизга изоҳ берди: — Курсдош ошнам. Зўр бола, бир кўришиб ўтайлик. Йўл четидоғи чойхонада ҳамкасблари билан ўтирган экан.

Камол гагини тугатар-тугатмас машинани тўхтати. Уловдан тушиб, дўсти билан кўришди. Камол баланд овозда уэр сўраб, рад жавобини берар, Жавоҳир уни қистовга олар эди. Бир пайт кимдир машинанинг эшигини очиб, салом берди ва: — Меҳмонлар, ҳозир тўғри бизнинг уйга борамиз. Бугун шу ерда қолсанлар, эрталаб кузатиб қўяман, — деди. Ишдан бор-йўғи тўрт кунга жавоб олиб чиққанман. Бир кунни йўлда ўтказишни истамасдим. Уйга кетишни уйлаб ва меҳмонни ҳам хайра қилгим келмай ёлгон сўзладим: — Россиядан уч йил деганда қайтаёяман. Уйдагилар эрталаб келади, деб йўлга қараб ўтирибди.

Бундай ваз-қарсонлар кор қилмади. Жавоҳир самолёт

билан тонгда уйимга етказиб қўйишни айтиб туриб олди. Бўш келмаётганимни кўргач, қўлимдан тортиб машинадан туширдик ўрнимга ўтирдик. Меҳмоннинг бундай муносабатидан жазим чиқиб, нарида турган ҳамкасблари ёнига бордим. Вазиятни тушунтирдим. Улар бизни ҳам Жавоҳирнинг курсдоши, деб уйлаган экан. Аҳволни билгач, уялиб қолди. Кейин: "Машинага ўтириб олган бўлса тушмайди. Тўғри тушунасиз, меҳмон. Яхшиси уйига боринг", — деди. У бизга қўшиб ҳамкасбларини ҳам меҳмонга таклиф қилган экан. Хуллас, катта йўл қолиб тепаликка қараб кетган тошлоқ кўчага бурилдик. Жавоҳир уйига кўнги-роқ қилиб курсдошлари келаётганини ва меҳмондорчиликка ҳозирлик кўришни айтди. Биз эса, ҳай-ҳайлаганча қолавердик. Ўн чақиримча йўл юриб, ниҳоят, чироғи ўчган қишлоққа кириб бордик. Манзилга етган ҳам Жавоҳир машинадан тушмади. Камолнинг ўрнига сизилгани босди. Кимдир чўкиб дарвозани очди. Машина ҳовлига кирди. Дарвоза маҳкамланди. Камолга қўшилиб, уловдан тушдик. Кекса аёл чироқ ёруғида зўра йўл топиб бизга пешвоз чиқди. Жавоҳирнинг онаси ҳар биримизни бағрига босиб: "Ўғлимнинг ошналари, менинг ҳам болам", — деб қўришди. Хаёлимдан: "Бегона эканимизни билиб қолса қай аҳволга тушар экан?" — деган ўй ўтди.

Уйга кирдик. Меҳмонхонага узун дастурхон ёзилган. Уч-тўртта шам ёқиб қўйилган экан. Омонатгина чўккаладик. Момо рўпарамизга ўтириб, ҳар биримиз билан ҳў сўрашдик. Шу пайт остонада уй соҳибни кўрдик. Ёши олтишдан ошган меҳмон бобо ҳам бизни бағрига босиб кўришди. Кўп ўтмай таом келтирилди. Тамади қилдик. Бу орада Камол меҳмон билан бироз сўхбатлашиб ўтирди. Сабрим чидамай бободан кетишга изн сўрадим. Осонликча жавоб бермаслигини билгач, ҳақиқатини — биз Жавоҳирнинг курсдоши эмас, Камолнинг йўловчилари эканимизни айтиб, хориждан келаялман деган ёлгонини

такрорладим. Мўсафид тийрак нигоҳ ила менга боқди. Юз-кўзимдан Тошкентдан нари ўтмаганимни билди ва: — Ҳа, шундайми? — деди ва гапида давом этди. — Уч йилдан бери кутаётганлар яна бир кун сабр қилса зарар қилмайди. Меҳмоннинг ихтиёри меҳмонда! Бугун қоласиз, эрталаб тузукроқ меҳмондорчилик қилиб кейин кузатиб қўямиз.

Бобонинг гагини Жавоҳирнинг онаси ҳам маъқуллади. Бошқа гап айтишга мажолим қолмади. Эндан бу ерда — бағри кенг, меҳмондўст ва очик кўнгли инсонлар ёнида ўн кун қолишга ҳам рози эдим. Жим бўлиб қолганимни кўрган Шоли ака ташаббусни қўлга олди. Аммо у кишининг ҳам гапи ўтмади. Охири Камол:

— Бобо ўзингиз ҳам ҳайдовчи бўлгансиз, биласиз тонг отса Қашқадарёда радар қўйиб кетадилар. Биринчиси, бошқаси "ўриб олади". Шунинг учун кечаси Қашқадарёдан ўтиб олайлик, — деди. Меҳмон Камолнинг жарима тўлаши мумкинлигини эшитгач, ноилжоз изн бериб қўлини дуога очди. Тагин Жавоҳирнинг онаси дарвозада ҳар биримизни бағрига босиб, қандай меҳрибонлик билан кутиб олган бўлса ушандай салимиёт ила хайрлашди. Жавоҳир эса, ётиб қолаганимиздан хафа бўлганини ва яна меҳмонга келишимизни бот-бот такрорлади. Машина ўриндан жилди. Шоли ака менга наҳомат қилди: — Кетамиз, деб гапини ҳеч кимга бермаётган эмингиз, нимага бирдан жим бўлиб қолдингиз?

— Очяғини айтсам, — дедим устага юзланиб, — бу ердан кетгим келмаяпти! Бу гапимдан сўнг кўнглида қолиш истаги бўлган Баҳром ва Камол кулиб юборди... Ҳозир уйимга келаётган меҳмонларнинг савдо қилаётганини бир четда кузатиб турарканман, ўша воқеа кўз ўнгимдан ўтди. Беихтиёр ғаллаороллик бобо ва момони қаттиқ соғинганимни хў қилдим. Аини дамада кучоғимни кенг очиб овозим борича ҳаққиргим келди: "Қайдасан, Жавоҳир?!"

BUGUNNING GAPI
ЁШЛАР МАРКАЗИМИ ЕКИ
"севитганлар" наскани?!"

Қумар БЕГНИЯЗОВА

"Мени келажак авлодининг тақдирини бевоқта қилади. Улар эркинликни тушунолмай, ўзида кетиб қолди. Оқибатда тартибсизликларнинг муаллифига айланмоқда", — деб ёзгани машҳур публицистлардан бири.

Бу фикрга қарши чиқишни жуда-жуда холайман. Аммо на илоҳ, ҳақ гап. Кўча-кўйда ачомлашиб юрган "севитганлар"ни кўриб юзим қизаради. Ва яна уша воқеа ёлғизгина тушади.

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказига шоши-л кетялман. У ерда ёш ижодкорлар билан учрашув ўтказилиши керак эди. Йўл ёқасида бемалол кучоқлашиб ўтирган жудатикни кўриб, тўхтадим.

— Кенирасиз, бу ер учрашув жойи эмас, — дедим уларга.

— Унда қанақа жой экан? — эътироз билдири



ди жингалак соч бола. Кўринишдан у коллеж ўқувчиси бўлса керак.

— Ёшлар маркази, — дедим шайх билан.

Ҳалиги бола кулиб: — Ана айтмадимми, демак, бизнинг жой, — деб пичинг қилди. Ёнидаги

"нозанин" ҳам шеригининг ҳозиржавоблигидан жимлайди. Уларга гап уқтириб бўлмаслигини тушуниб, марказга бошқа томондан киришга ошқидим. Не қў билан кўрайки, у ерда ҳам "севитганлар" макон қурибди.

— Ана ҳолок! Уят-э! — деди юзини ёпиб кетаётган она ва ёнидаги қизига: "Қарама бу уятсизларга?! Текин кишининг кимга кераги бор!" — деб уқтирди.

Айни пайтда Ёшлар марказини "севитганлар" масканига айланаётганига аңиндим. Наҳот, муҳаббатдек пинҳона тўйғу шунчалик ошқорқа бўлиб кетган бўлса?! Ахир, ҳақиқий севиғи кўз қилинмайди. У қалбада яшайи керак.

MENING FIKRIM
ҲЎРОЗҚАНДА
ЧЕТ ЭЛНИКИ ДЕСА...

Фанза ЭШБЕКОВА

Хориж компаниясида ишлайман. Чет элдан меҳмонлар тез-тез келиб туради. Баъзан улар билан бозор ёки дўкон айланишга ҳам тўғри келади.

Шўқри, ҳозир савдо расталарида миллий махсулотлар сероб. Кийим-кечакдан тортиб, уй-рўзгор буюмларигача — бари ўзини-юзини. Бундан кўнглингиз гурурга тўлади. Аммо...

Яқинда хорижлик ҳамкасбим билан бирга дазмол харид қилиш учун савдо марказларидан бирига бордик. Зум ўтмай, бизга очик чеҳрали сотувчи пешвоз чиқди. У олдимизга "Tefal", "Bosch", "Braun", "Philips", "Vitek", "Scarlett" каби фирма махсулотларини қўйиб,

афзалликларини санай бошлади. Шунда ҳамроҳим бир бурчакда турган "Artel" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилган электр мосламани кўрсатиб: — Мана бу дазмолми? Нега уни курсатмайсиз? — деб сўради таажубланиб.

Сотувчи эса, пинагини бузмай: — Ахир, бу "Artel"-ку! Хорижники турганда шунини оласизми? — деди.

Сотувчининг бу гапидан изза

бўлдим. Ҳамкасбим эса, охир-оқибат, "Artel" фойдасига қарор қабул қилди.

Дугонамнинг опаси узоқ йиллардан буён Россияда истиқомат қилади. Сингласининг туғилган кунига совға-салом жўнатибди. У ҳақларини бирма-бир қўздан кечириб, "Хорижнинг матолари бошқача-да", — деди. Мен унга бу кийимларнинг барчаси юртимиздан экспорт қилинганини айтган эдим, ишонмади. Ёрлигини кўргач эса... Орадан қанча йил ўтса-да, Фармонбинининг: "Хўрозқанда чет элники деса, ётволмай ялайди", деган ибораси, афсуски, долзарблигича қолмоқда. Чиндан ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган нарсани кўрса юз буриштириб ўтиб кетадиган ҳамюртларимиз ҳали ҳам бор. Бу келажимизга болта уриш эмасми? Назаримда, ватанпарварлик аслима мана шундай аризмас жиҳатларда намён бўлади. Уни шакллантириш ўз қўлимизда.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Карринуна — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович

Навбатчи
Нозима Миясарова

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоуси қилишилган нарҳда.

Буюртма Г. 436
Адади — 22798

Босишга топширилган вақти — 21.00
Толдирилди — 23.50
ЎЗ АКУНИ — 21.50

Офсет усулида босилган.